

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА  
ҚОНУНЛАРИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ  
ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ҚАФОЛАТЛАНИШИ

*Шодмонов Октябр Алимжон уғли*

*Тошкент давлат транспорт университети*

*Иктисадиёт факултети 2-курс Ю-3 гурух*

*талаабаси*

*Почта манзили: bratbuva@gmail.com*

*Телефон раками: +998 90 538 53 88*

Ўзбекистон Республикаси давлат мустакиллигини кулга киритиши туфайли фукароларимизнинг дунёкараши, тафаккури, ҳукукий онги ва маданиятида туб ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистонда демократик жамият курилиши жараёнларининг ҳукукий асоси, устувор максадлари, тамойиллари, инсон ҳукук ва эркинликлари Конституциямизда яккол ўз ифодасини топди.

Бугун Ўзбекистонда бошқарувни либераллаштириш давлат ва жамиятни модернизация килиш, иктисадиётни эркинлаштириш, адолатли фукаролик жамиятини ривожлантириш жараёни хамда оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада эркинлаштириш соҳасида ислоҳотлар давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XV боби Оммавий ахборот воситаларига багишланиб, унинг 67-моддасида «Оммавий ахборот воситалари эркиндин ва конунга мувофик ишлайди. Улар ахборотнинг тугрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. «Цензурага йул куйилмайди» деб аник кўрсатиб ўтилган.

Хар кандай жамиятда ахборот ҳамиша мамлакат тараккиётининг кузгусн кишиларнинг онги, дунёкараши, сиёсий савиясининг шаклланишида асосий восита бўлиб хизмат килиб келган. Бу холат, айникса шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётган бугунги глобаллашув замонида ҳар қачонгидан кўра кенг тармок езди, бинобарин, ҳаётимизнинг бирорта соҳасини оммавий ахборот воситаларсиз тасаввур килиб бўлмайди.

Сўз ва матбуот эркинлиги, унинг кенг ошкоралиги, ислоҳотларнинг очиклигини таъминлайдиган демократик принципларни хаётга жорий этиш том маънода демократияни таъминлайди. Асосий конунимизнинг 29- моддасида «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳукукига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳукукига ега конституции тузумга карши қартилган ахборот ва конун билан белгиланган бошка чекловлар бундан мустаснодир, деб курсатиб ўтилган.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари соҳасида олиб борилаетган давлат сиёсатининг конунлар ердамида мустаҳкамланиши оммавий ахборот воситалари фаолияти эркинлиги мустакиллигини амалда таминлаш, улар фаолиятини тартибга солувчи хукукни ривожлантиришга каратилмоқда. Мамлакат оммавий ахборотни демократлаштиришнинг хукукий асослари булган «Оммавий ахборот поситалари тугрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини химоя тугрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принцплари тугрисида»ги қонунлар кабул қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 1400 га якин оммавий ахборот воситаси, жумладан 4 та ахборот агентлиги, 700 га якин газета, 300 га якин журнал, 100 га якин телерадиоканал, 300 дан ортик веб-сайт фаолият юритмоқда Интернетдан фойдаланувчилар сони 10 миллион кишидан ошиб ёки мамлакатимиз ахолисининг учдан бир кисмини ташкил этмоқда. Уяли алока тизимидан фойдаланувчилар сони эса карийб 20 миллион кишини ташкил этади. Бу рақамлар ўз-ўзидан ахборотнинг накадар тез таркалишини таъминлашнининг муҳим воситалари хисобланади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланганидек. Ўзбекистон Республикасидаги кенг камровли ислоҳотларнинг бош вазифаси фуқароларининг ахборот соҳасидаги эркинлиги ва хукукларини, ахборот ва ўз гояларини олиш, таркатишга бўлган эркинликлари, хукукларини таъминлашдан иборат. Оммавий ахборот воситалари соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг конунлар ёрдамида мустаҳкамланиши оммавий ахборот воситалари фаолияти эркинлиги ва мустакиллигини амалда уларнинг том маънода тўртинчи хокимият сифатида шаклланиши учун етарли хукукий асос бўлиб хизмат килмоқда.

Дарҳакикат, 2014 йилда кабул килинган <<Давлат хокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида>>ги Ўзбекистон Республикаси Конуни давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг очиклига ҳамда уларнинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро хамкорлиги ишга мустаҳкам хукукий асос яратди. Чунки ушбу конунда жисмоний ва юридик шахсларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни олишга оид хукуклари кафолатлари кенгайтирилди.

Конуннинг муҳим жиҳати шундан иборатки, унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда мансабдор шахсларнинг кабул киланаётган карорлар учун масъулияти оширилди ҳамда улар фаолияти тўғрисидаги ахборотни таркатиш тартиби белгиланди. Мазкур конунни ишлаб чиқишида ривожланган демократик давлатларнинг ушбу соҳадаги конун хужжатлари батафсил ўрганилиб, улар миллий конунчилигимиз билан киёсий тахлил этилди.

Айникса, бу борада Буюк Британиянинг «Ахборот эркинлиги тугрисидаги АҚШнинг «Хукуматнинг очиклиги тугрисидаги, Франциянинг фукароларнинг давлат органлари билан муносабатлари тўғрисидаги Жанубий Кореанинг «Давлат хокимияти органлари тамонидан ахборотни очиш тугрисидаги, Россиянинг <<Давлат хокимияти органлари фаолиятининг ОАВда ёритилиши тугрисидаги Естониянинг Давлат ахбороти тугрисидаги қонунлари шулар жумласидандир. Мамлакатимизда Давлат хокимияти ва бошкарув органлари фаолияти очилишининг асосий принциплари белгилаб борилди. Улар куйидагилардан иборат:

- Улар тамонидан тақдим етладиган ахборатдан хамманинг фойдаланиши мумкинлиги унинг уз вактида берилиши ва ишончлилиги;
- улар фаолиятининг ошкоралиги ва шаффошлиги;
- Давлат хокимияти ва бошкарув органларининг фаолияти тугрисидаги ахборотни олиш ва тарқатиш еркинлиги.

Давлат хокимияти ва бошкарув органлари фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этишда фукароларнинг ўз шаъни ва кадр-кимматини тажовузлардан, Ўз шахсий хаётига аралашувлардан химоя килишга бўлган хукуклари ва конуний манфаатларига, шунингдек фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ишchanлик обрусни химоя килишга бўлган хукукларига риоя этиш.

Конуннинг ахамиятга молик жихатлардан яна бири унда давлат хокимияти ва бошкарув органлари ахборот хизматининг макоми аник белгилаб кўйилди. Конуннинг 10-моддасига асосан давлат хокимияти ва органларининг ўз фаолияти тугрисидаги ахборотни тайёрлаш ҳамда тарқатиш вазифаларини бажарувчи, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан хамкорликни таъминловчи таркибий бўлинмаси ёхуд ушбу вазифаларни бажариш зиммасига юклатилган шахс ушбу органларнинг ахборот хизматидир.

Ахборот хизмати оммавий тадбирлари ташкил этиш, ахборот хабарларини (пресс-релизлар, бюллетенлар ва хоказоларни) тарқатиш шунингдек, давлат хокимияти ва бошкарув органларининг расмий веб-сайтида уларнинг фаолияти тугрисидаги ахборотни жойлаштириш ва янгилаб бориш йўли билан давлат хокимияти ва бошкарув органларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш чора-тадбирларини куради.

Эътиборли томони шундаки, мазкур конунда ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровларини давлат хокимияти ва бошкарув органлари томонидан куриб чикишнинг аник муддатлари белгиланди.

Хусусан, ахборотдан фойдаланувчининг сўрови рўйхатдан ўтказган кундан эътиборан қўпи билан ўн беш кунлик муддатда кўриб чиқилиши, оммавий ахборот воситасининг давлат хокимияти ва бошкарув органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир, шунингдек мансабдор шахсларни

интервьюосини ташкил этиш тугрисидаги сурои купи билан етти кунлик муддатда кўриб чикиш жихатдан мустахкамланди. Шу боис конун оммавий ахборот воситалари ходимлари хамда давлат органлари ўртасида якин ҳамкорликни урнатиш, журналистлар томонидан ахборотлар олиш, туплаш таркатиш масалаларида на такомиллаштиришга, фукароларни давлат конунчилик Хокимияти механизмларини ва бошқаруви органларининг фаолияти тўгрисида холис, тезкор ва янада тўлиқ хабардор килишга, давлат органлари ахборот хизматлари, фаолиятининг фаоллашишига, давлат медиа-тузилмалари органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга хизмат килади.

Қонуннинг ижтимоий аҳамияти ундаги барча нормалар ахолининг ижтимоий химояга ва куллаб-куватлашга еҳтиёжмант катлами манфаатларига хизмат килиши, уларнинг конституциявий хукук ва мажбуриятлари карор топишини таъминлашда яккол намоён бўлади. Хусусан, давлат хокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тугрисида ахборот олиш хамда таркатиш кафолатлари яратилганлиги жамиятда кечётган демократик жараёнлар, ижтимоий-сиёсий ва иктисадий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлардан фукароларнинг тулиқ хабардорлигини таъминлайди.

Бугунги кунда матбуот соҳасида микдор узгаришлари билан бирга. миллий сифат ўзгаришлари хам юз бермокда. Газета ва журналлар, радиотелеканалларнинг мазмун моҳияти, мавзу доираси замон талабларига мос булиб, журналистларнинг дунёкараши, билим, тажрибаси, касб маҳорати юксалиб бораётгани айни хакикатдир. Оммавий ахборот воситаларининг энг муҳим вазифаси мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташки сиёсатни атрофимиизда содир бўлаётган воқеаларга нисбатан фикрлар, карашлар рангбаранглиги, жамиятимизни янада эркинлаштириш максадларидан келиб чиккан холда, холисона ёритишдан иборат.

Истиклол йилларида янги ижтимоий муносабатларнинг самарали ҳукукий механизмини яратишга алоҳида эътибор каратилди. Оммавий ахборот воситалари фукаролик жамиятини шакллантириш ва ҳукукий демократик давлат куришнинг муҳим институтига айланди. Ушбу соҳадаги давлат сиёсати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб куйилган сўз эркинлиги принциплари ва фукароларнинг ахборот олиш ҳукукини изчиллик билан тулиқ амалга оширишга каратилди.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солиш, уларни эркинлаштириш ва куллаб-куватлаш бўйича халкаро нормаларга тулиқ мос келадиган, демократлаштириш ҳамда модернизация килиш, ижтимоий-сиёсий ва социал-иктисодий ислоҳотларни чукурлаштириш жараёнида иштирок этишнинг

хукукий кафолатларини таъминлайдиган мустахкам конунчилик базаси яратилди.

### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.. -Т. «Ўзбекистон». 2014. 12, 22-бетлар
2. Ислом Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат килиш -энг олий саодатдир. -Т. «Ўзбекистон», 2015.
3. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси». -Т. «Ўзбекистон», 2010.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарх. -Т. «Ўзбекистон», 2008,